ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.13/30.12.2019.T.07.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ

БОТИРОВ ФАЙЗУЛЛАЖОН БАХТИЁРОВИЧНИНГ

КОРХОНАДАГИ АХБОРОТНИ ҲИМОЯЛАШНИНГ КЎПАГЕНТЛИ ИНТЕЛЛЕКТУАЛ УСУЛЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ

05.01.05 – Ахборотларни ҳимоялаш усуллари ва тизимлари. Ахборот хавфсизлиги

ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент-2021

УДК: 004.056.57.

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам

Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD) on technical sciences

ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.13/30.12.2019.T.07.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ

БОТИРОВ ФАЙЗУЛЛАЖОН БАХТИЁРОВИЧНИНГ

КОРХОНАДАГИ АХБОРОТНИ ҲИМОЯЛАШНИНГ КЎПАГЕНТЛИ ИНТЕЛЛЕКТУАЛ УСУЛЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ

05.01.05 – Ахборотларни ҳимоялаш усуллари ва тизимлари. Ахборот хавфсизлиги

ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент-2021

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2020.4.PhD/T1941 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент ахборот технологиялари университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tuit.uz) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	**Бекмуратов Тулкун Файзиевич** академик, техника фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	**Каримов Маджит Маликович** техника фанлари доктори, профессор
	Жураев Гайрат Умарович физика-математика фанлари доктори, доцент
Етакчи ташкилот:	**«UNICON.UZ» - фан – техника ва маркетинг тадқиқотлар маркази**

Диссертация ҳимояси Тошкент ахборот технологиялари университети ҳузуридаги DSc.13/30.12.2019.T.07.01 Илмий кенгашнинг 2021 йил «6» февраль соат 10.00 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100202, Тошкент шаҳри, Амир Темур кўчаси, 108-уй. Тел.: (99871) 238-64-43, факс: (99871) 238-65-52, e-mail: tuit@tuit.uz).

Диссертация билан Тошкент ахборот технологиялари университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (2631 рақам билан рўйхатга олинган.). (Манзил: 100202, Тошкент шаҳри, Амир Темур кўчаси, 108-ўй. Тел.: (99871) 238-65-44).

Диссертация автореферати 2021 йил «___» _____ да тарқатилди.
(2021 йил «___» _____ даги ___ рақамли реестр баённомаси.)

Р.Х. Хамдамов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

Ф.М. Нуралиев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, т.ф.д., доцент

С.К. Ганиев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, т.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертациясининг аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда кўпагентли тизимлар ёрдамида корхонанинг ахборот тизимига бўладиган ҳужумларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш билан бир қаторда ҳужумларни аниқлаш жараёни аниқлигини ошириш ва хатоликларини камайтиришга эътибор қаратилмоқда. «Kaspersky компанияси маълумотларига кўра, 2020 йилнинг биринчи чорагида давлат ташкилотларига бўлган ҳужумлар улуши ошган бўлиб, ҳужум объектининг 89%ни – компьютерлар, серверлар ва тармоқ қурилмалари ташкил этган»[1]. Бу йўналишда хорижий мамлакатларда, жумладан, АҚШ, Россия Федерацияси, Хитой, Жанубий Корея ва бошқа давлатларда интеллектуал усуллар асосида ахборотга бўладиган таҳдидларнинг таъсир даражасини аниқлаш, ҳужумларни аниқлаш усуллари ва алгоритмларини ишлаб чиқиш ҳамда ахборотни ҳимоялаш тизимларини такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Жаҳонда тармоқ ҳужумларини аниқлашнинг модел ва алгоритмларини такомиллаштиришга ҳамда кўпагентли тизимлар ёрдамида тармоқ ҳужумларини аниқлашга қаратилган илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Бу борада, жумладан сигнатурага асосланган ва пакет сарлавҳалари маълумотларини таққосланиши орқали амалга ошириладиган ҳужумларни аниқлаш усулларини ишлаб чиқиш муҳим вазифалардан бири ҳисобланмоқда. Шу билан бирга, ахборотни ҳимоялаш жараёнида кўрилаётган объект тўғрисидаги билимлар тўлиқ бўлмаганда ёки жорий маълумотларда ноаниқликлар мавжуд бўлганда ахборотни ҳимоялаш учун кўпагентли интеллектуал тизимлардан фойдаланишни ишлаб чиқиш зарур бўлмоқда.

Республикамизда давлат ва хўжалик бошқарув органларида ахборотни ҳимоялаш жараёнида қўлланилаётган интеллектуал тизимларга асосланган ҳимоя механизмларини такомиллаштиришга қаратилган кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида, жумладан «...ахборот хавфсизлигини таъминлаш ва ахборотни ҳимоялаш тизимини такомиллаштириш, ахборот соҳасидаги таҳдидларга қарши ўз вақтида ва муносиб қаршилик кўрсатиш»[2] вазифалари белгиланган. Мазкур вазифаларни амалга оширишда, ахборотга бўладиган ҳужумларни аниқлашда кўпагентли интеллектуал усулларни қўллаш ҳамда ахборотни ҳимоялашда интеллектуал тизимлардан фойдаланиш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, 2018 йил 19 февралдаги ПФ-5349-сон «Ахборот технологиялари ва коммуникациялари соҳасини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонлари, 2018 йил

[1] https://www.ptsecurity.com/ru-ru/research/analytics/cybersecurity-threatscape-2020-q1/

[2] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги Фармони

21 ноябрдаги ПҚ-4024-сон «Ахборот технологиялари ва коммуникацияларининг жорий этилишини назорат қилиш, уларни ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва 2019 йил 14 сентябрдаги ПҚ-4452-сон «Ахборот технологиялари ва коммуникацияларининг жорий этилишини назорат қилиш, уларни ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти маълум даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг IV. «Ахборотлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ахборот хавфсизлигини таъминлашда нейрон тармоқлар, кўпагентли тизимлар ва шунга ўхшаш интеллектуал тизимлар оиласига мансуб йўналишларни қўллаган ҳолда ишлаб чиқилган усуллар ва алгоритмларни қўллаш бўйича А.В.Остроух, Г.А. Поллак, В.И. Васильев, Е.А. Жидко, А.В. Торопова, S. Каур, А. Алнафессаҳ, М.Сингҳ ва бошқа чет эллик олимлар томонидан илмий изланишлар олиб борилмоқда. Ахборот хавфсизлигини таъминлашда нейрон тармоқларни қўллаган ҳолда Х. Юан, Н. Шин, Ж. Лее, Й. Чои, Ж. Ким илмий изланишлар олиб боришган. Бундан ташқари, InfoWatch, RiskWatch, WatchGuard ва Trend Micro ташкилотлари томонидан интеллектуал тизимларни қўллаш орқали ахборотни ҳимоялашнинг дастурий-аппарат воситаларини ишлаб чиқиш бўйича инженерлик-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда.

Ўзбекистонда Т.Ф.Бекмуратов, С.К.Ганиев, Н.А. Игнатьев, М.М.Каримовлар бошчилигидаги илмий жамоалар томонидан ахборотни ҳимоялашнинг интеллектуал тизимлари, ахборот хавфсизлиги рисклари, таҳдидларни аниқлашнинг усул ва алгоритмлари устида илмий изланишлар олиб борилган.

Шу билан бирга, кўпагентли тизимлар, нейрон тармоқ, машинали ўқитиш (machine learning) ва чуқур ўқитиш (deep learning) асосида ҳужумларни аниқлаш, бартараф этиш усуллари ва алгоритмлари етарлича тадқиқ этилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент ахборот технологиялари университетининг илмий-тадқиқот ишлари режасининг №БВ-Ф4-023 – “Тақсимланган ахборот-коммуникация тизимларида инцидентлар ва киберхужумларга қарши харакатларни бошқариш муаммоларини тадқиқ этиш (Исследование проблем управления инцидентами и противодействия кибератакам в распределенных

информационно-коммуникационных системах)” (2017-2020) мавзусидаги лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади ахборотни ҳимоялаш тизимининг самарадорлигини оширишга имкон берувчи кўпагентли интеллектуал усулларни ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ахборотни ҳимоялашнинг интеллектуал тизимлари ва технологияларини қиёсий таҳлил қилиш;

корхонадаги ахборотни ҳимоялашнинг кўпагентли интеллектуал тизимини қуриш концепциясини ишлаб чиқиш;

ахборотни ҳимоялашнинг интеллектуал тизими структураси ва архитектурасини ишлаб чиқиш;

корхонадаги ахборотга бўладиган таҳдидларнинг таъсир даражасини аниқлаш усулини ишлаб чиқиш;

корхона ахборот тизимига бўладиган ҳужумларни аниқлашнинг усул ва алгоритмини ишлаб чиқиш;

тармоқ аномалияларини аниқлаш алгоритмини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида корхонада ахборотни ҳимоялаш жараёни олинган.

Тадқиқотнинг предметини ахборотни ҳимоялашнинг кўпагентли интеллектуал усуллари ва алгоритмлари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида ахборотни интеллектуал тизимлар ёрдамида ҳимоялаш усуллари, нейрон тармоқлар, норавшан тўпламлар назарияси, эҳтимоллик назарияси, графлар назарияси, дискрет математика ва объектга йўналтирилган дастурлаш усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

корхонадаги ахборотни химоялашнинг уч сатҳли механизмини ҳисобга олган ҳолда кўпагентли интеллектуал тизим концепцияси ишлаб чиқилган;

уч сатҳли ҳимоя механизмининг мақсадлар дарахти асосида ахборотни ҳимоялашнинг интеллектуал тизим архитектураси ишлаб чиқилган;

корхонадаги ахборотга бўладиган таҳдидларни ҳосил бўлиш частотаси асосида таъсир даражасини аниқлаш усули ишлаб чиқилган;

тармоқ ҳужумларини аниқлашнинг нейрон тармоқ усули ва алгоритми сигнатурали таҳлилга асосланган ҳолда ишлаб чиқилган;

фойдаланувчиларни олдинги ҳаракатларидан келиб чиққан ҳолда кейинги ҳаракатларини башоратловчи интерактив ва сеанс моделлар асосида тармоқ аномалияларини аниқлаш алгоритми ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

кўпагентли интеллектуал усуллар асосида корхонадаги ахборотни ҳимоялашнинг дастурий комплекси ишлаб чиқилган;

сигнатурали таҳлил асосида ҳужумларни аниқлашда Snort ва Suricata базалари умумлаштирилиб, қўшимча ҳужум сигнатураларини киритиш орқали такомиллаштирилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги корхона ахборот тизимига бўладиган таҳдидларни таъсир даражасини аниқлаш, ҳужумларни аниқлаш усулларидан турли шароитларда олинган реал ҳамда тажрибавий таҳлил натижалари билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ишлаб чиқилган корхонадаги ахборотни ҳимоялаш жараёнида таҳдидларнинг таъсир даражасини аниқлаш усули, сигнатурага асосланган ҳужумларни аниқлашнинг нейрон тармоқ усули ва интерактив ҳамда сеанс моделлар асосида тармоқ аномалияларини аниқлаш алгоритми билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти таклиф этилган усуллар ва алгоритмлар асосида ишлаб чиқилган дастурий воситанинг корхонадаги ахборотни ҳимоялаш жараёнини интеллектуаллаштиришга кўмаклашиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Корхонадаги ахборотни ҳимоялашнинг кўпагентли интеллектуал усуллари ҳамда дастурий воситалари бўйича олинган илмий натижалар асосида:

корхонадаги ахборотни ҳимоялаш жараёнида сигнатурали таҳлилни қўллаган ҳолда ҳужумларни аниқлашнинг нейрон тармоқ усулининг дастурий воситаси Ўзбекистон Республикаси «Акциядорлик тижорат Халқ банки» бош амалиётлар бошқармасининг амалий фаолиятига жорий қилинган (Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг 2020 йил 24 ноябрдаги 33-8/7051-сон маълумотномаси). Илмий тадқиқот натижаси корпоратив тармоқда DoS ҳужумларни аниқлашда 94,7% аниқлик ва 5,3% хатолик, U2R ҳужумларни аниқлашда 91,4% аниқлик ва 8,6% хатолик, R2L ҳужумларни аниқлашда 93,6% аниқлик ва 6,4% хатолик, Probe ҳужумларини аниқлашда 95,8% аниқлик ва 4,2% хатолик билан тармоқ ҳужумларини аниқлаш имконини берган;

корхонадаги ахборотни ҳимоялаш жараёнида таҳдидларни таҳлиллаш усулининг дастурий воситаси «UNICON.UZ» Давлат унитар корхонаси – Фан – техника ва маркетинг тадқиқотлари марказининг амалий фаолиятига жорий қилинган (Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг 2020 йил 24 ноябрдаги 33-8/7051-сон маълумотномаси). Илмий тадқиқот натижасида ташкилотнинг локал тармоғига бўладиган ҳужумларни аниқлашда хатоликлар ҳақида тизим маъмурини огоҳлантириш имконияти яратилган;

интерактив ва сеанс моделлари асосила тармоқ аномалияларини аниқлашнинг дастурий воситаси Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Ахборот – коммуникация технологиялари ва алоқа ҳарбий институтининг амалий фаолиятига жорий қилинган (Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг 2020 йил 24 ноябрдаги 33-8/7051-сон маълумотномаси). Илмий тадқиқот натижаси корпоратив тармоқдаги ҳужумларни 94,3% аниқлик ва 5,7% хатолик билан аниқлаш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертациянинг мавзуси бўйича жами 18 та илмий иш чоп этилган, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертацияларнинг асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларида 8 та мақола, шулардан, 4 таси хорижий ва 4 таси республика журналларида нашр этилган ҳамда 3 та ЭҲМ учун яратилган дастурий воситаларни қайдлаш гувоҳномалари олинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 112 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, мақсад ва вазифалари белгилаб олинган ҳамда тадқиқот объекти ва предмети аниқланган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асослаб берилган, уларнинг назарий ва амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларини амалда жорий қилиш ҳолати, нашр этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Ахборотни ҳимоялашнинг кўпагентли интеллектуал тизимлари ва технологиялари»** деб номланган биринчи бобида корхонадаги ахборотни ҳимоялашнинг интеллектуал тизимлари ва технологияларининг қиёсий таҳлили ҳамда кўпагентли интеллектуал тизим асосида ахборотни ҳимоялаш механизмларини қуриш босқичлари ва корхонадаги ахборотни ҳимоялаш жараёнини автоматлаштириш бўйича тавсиялар келтирилган.

Биринчи параграфда интеллектуал тизимларни ривожланишининг замонавий босқичлари ҳамда ахборотни ҳимоялашнинг интеллектуал тизимлари ва технологияларининг қиёсий таҳлили амалга оширилган. Ахборот хавфсизлигини таъминлашда қўлланиладиган интеллектуал тизимларнинг асосий вазифалари аниқлаб олинган ва бу вазифаларни бажариш учун автономлиги, ноаниқлик шароитида мослашувчанлиги ва агентларнинг ўзаро алоқасини юқори даражада таъминлаш имконини берадиган кўпагентли интеллектуал тизимлар келтирилган.

Иккинчи параграфда агентнинг содда структураси, интеллектуал агент хусусиятлари, кўпагентли тизимларнинг фарқланувчи белгилари, ҳужумларни аниқлашда фойдаланиладиган кўпагентли тизимларнинг тақсимланган архитектураси, ахборотни ҳимоялашда кўпагентли тизимлардан фойдаланишнинг афзалликлари ва турли хусусиятларга эга бўлган агентларнинг қиёсий таҳлили келтирилган. Кўпагентли тизим

фойдаланиладиган агентларига қўйиладиган асосий талаблар шакллантирилган ва кўпагентли интеллектуал тизимлар асосида ахборотни ҳимоялаш механизмларини қуриш таклиф этилган.

1-расм. Кўпагентли интеллектуал тизим асосида ахборотни ҳимоялаш механизмларини қуриш босқичлари

Учинчи параграфда корхонада ахборотни ҳимоялаш тизимини интеллектуаллаштириш учун ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг уч сатҳли иерархик автоматлаштирилган тизимини яратиш бўйича тавсиялар берилган. Корхонадаги ахборотни ҳимоялаш тизимини автоматлаштириш схемаси 2-расмда келтирилган.



2-расм. Корхонадаги ахборотни ҳимоялаш жараёнини автоматлаштириш схемаси

Диссертациянинг **«Корхонадаги ахборотни ҳимоялашнинг кўпагентли интеллектуал тизимини қуриш концепцияси, структураси ва архитектурасини ишлаб чиқиш»** деб номланган иккинчи бобида корхонада ахборотни ҳимоялашнинг кўпагентли интеллектуал тизимини қуриш концепцияси, структураси ва архитектураси ишлаб чиқилган. Ахборотни ҳимоялашни бошқариш жараёнида бажарилиши керак бўлган вазифалар белгилаб олинган.

Мазкур бобнинг *биринчи параграфида* корхонанинг ахборот тизимида ахборотни ҳимоялашнинг автоматлаштирилган интеллектуал тизимини қуриш концепцияси ишлаб чиқилган. Концепция қуйидаги принципларни ўз ичига олади:

1. Корхонадаги ахборотни ҳимоялашнинг интеграллашган тизимини яратишни назарда тутувчи функционал интеграллаш принципи.
2. Корхонадаги ахборотни ҳимоялаш тизимини кўпсатҳли интеграллашган иерархик кўринишда ташкиллаштириш принципи.
3. Корхонадаги ахборотга бўладиган таҳдидларни таъсир даражасини аниқлаш усуллари ва алгоритмларини комплекслик принципи.
4. Ахборотни ҳимоялаш тизимини қуриш талабларини ахборотни ҳимоялаш бўйича амалдаги стандартларга мувофиқ бўлишини англатувчи стандартлаштириш принципи.
5. Корхона ахборот тизимига бўладиган ҳужумларни аниқлаш ва бартараф этишни интеллектуаллаштириш принципи.

Иккинчи параграфда концепцияда кўрсатилган принциплар асосида корхона ахборотини ҳимоялашни бошқариш тизимининг мақсадлар дарахти шакллантирилган. Мақсадлар дарахтининг иерархияси асосида ахборотни ҳимоялашнинг автоматлаштирилган бошқариш схемаси ва интеллектуал тизими структураси ишлаб чиқилган. 3-расмда ахборотни ҳимоялашнинг интеллектуал тизими структураси келтирилган.



3-расм. Ахборотни ҳимоялашнинг интеллектуал тизими структураси

Хавфсизлик маъмурлари, яъни қарор қабул қилувчи шахслар ишининг натижаси $С_Р$ мувофиқлаштирувчи агентларга бажариш учун йўналтирилади, бу ерда: $С_Р -$ режалаштириш ва мувофиқлаштириш сатҳи орасидаги маълумот алмашиш агенти; $С_М -$ мувофиқлаштириш ва бажариш сатҳи орасидаги маълумот алмашиш агенти; $М_i$ – мувофиқлаштириш сатҳидаги агентлар, $i = 1,2 , \dots n.$; $Б_i$ – бажариш сатҳидаги агентлар, $i = 1,2 , \dots n.$; $Ф_i$ –корхона ахборот тизимидаги фойдаланувчи $i = 1,2 , \dots n.$; $В_i$ – корхона ахборот тизимидаги восита элементи $i = 1,2 , \dots n.$;

Учинчи параграфда ахборотни ҳимоялашнинг кўпагентли интеллектуал тизимининг архитектураси ишлаб чиқилган (4-расм). Корхона ахборот тизимининг барча тугунларига дастурий модуллар шаклидаги дастурий агентларни жойлаштириш, ахборотни ҳимоялаш қисмтизимлари ва барча воситаларини бошқариш ва ахборот активлари хавфсизлигига таъсир қилувчи барча ҳодисаларни қайд этиш имконини беради.



4-расм. Ахборотни ҳимоялашнинг интеллектуал тизимининг архитектураси

Диссертация ишининг «**Корхонанинг ахборот тизимига бўладиган таҳдидларни таъсир даражасини ва ҳужумларни аниқлаш усуллари ва алгоритмлари**» номли учинчи бобида корхонадаги ахборотга бўладиган таҳдидларни таъсир даражасини аниқлаш усули, корхона ахборот тизимига бўладиган ҳужумларни аниқлашнинг нейрон тармоқ усули ҳамда интерактив ва сеанс моделлар асосида тармоқ аномалияларини аниқлаш алгоритмлари ишлаб чиқилган.

Биринчи параграфда пайдо бўлиш частотаси асосида таҳдидларни таъсир даражасини аниқлаш усули ишлаб чиқилган. Таҳдидларнинг таъсир даражаси иккита мезон бўйича аниқланади: таҳдиднинг пайдо бўлиш частотаси ва потенциал бузғунчи томонидан таҳдидлар амалга оширилганда кўриладиган эҳтимолий зарарнинг катталиги. Таҳдидларнинг таъсир даражасини аниқлашнинг биринчи қадамида пайдо бўлиш частотаси мезони бўйича T таҳдидларни таққослаш матрицаси тузилади.

$$T = \begin{pmatrix} 1 & {t_1}/{t_2} & \dots & {t_1}/{t_x} \\ {t_2}/{t_1} & 1 & \dots & {t_2}/{t_x} \\ \vdots & \vdots & \dots & \vdots \\ {t_x}/{t_1} & {t_x}/{t_2} & \dots & 1 \end{pmatrix}, \qquad T_c = \begin{pmatrix} t_1 \\ t_2 \\ \vdots \\ t_x \end{pmatrix}$$

бу ерда Т–таҳдидларнинг жуфт таққосланиш матрицаси. $T_C - T$ устуворликлар матрицасининг нормаллашган хусусий векторлари. $\forall\, t_a \in T, \quad a = 1, 2, \dots . x$:

Кейин ҳар бир таҳдид учун заифликларни таққослаш матрицаси Z, таҳдидларни амалга оширишнинг эҳтимолий йўлини кўрсатувчи Z_c устуворликлар вектори тузилади.

$$Z = \begin{pmatrix} 1 & {z_1}/{z_2} & \dots & {z_1}/{z_n} \\ {z_2}/{z_1} & 1 & \dots & {z_2}/{z_n} \\ \vdots & \vdots & \dots & \vdots \\ {z_n}/{z_1} & {z_n}/{z_2} & \dots & 1 \end{pmatrix}, Z_c = \begin{pmatrix} z_1^1 & z_1^2 & \dots & z_1^x \\ z_2^1 & z_2^2 & \dots & z_2^x \\ \vdots & \vdots & \dots & \vdots \\ z_n^1 & z_n^2 & \dots & z_n^x \end{pmatrix}$$

бу ерда Z_c – Z устуворликлар матрицасининг нормаллашган хусусий векторлари.$\forall\, z_b \in Z,\ b = 1, 2, \dots . n$:

$$R = \begin{pmatrix} 1 & {r_1}/{r_2} & \dots & {r_1}/{r_s} \\ {r_2}/{r_1} & 1 & & {r_2}/{r_s} \\ \vdots & \vdots & \dots & \vdots \\ {r_s}/{r_1} & {r_s}/{r_2} & \dots & 1 \end{pmatrix}, R_c = \begin{pmatrix} r_1^1 & r_1^2 & \dots & r_1^z \\ r_2^1 & r_2^2 & \dots & r_2^z \\ \vdots & \vdots & \dots & \vdots \\ r_s^1 & r_s^2 & \dots & r_s^z \end{pmatrix}$$

бу ерда R – ресурсларнинг жуфт таққосланиш матрицаси. $R_c - R$ устуворликлар матрицасининг нормаллашган хусусий векторлари матрицаси. $\forall\, r_v \in R,\ v = 1, 2, \dots . s$:

Бу қадамдан сўнг D ифода бўйича таҳдид таъсир даражасини ҳисоблаш амалга оширилади.

$$D = \begin{pmatrix} \sum_{j=1}^{n} t_1^c * z_j^c * r_1^c & \sum_{j=1}^{n} t_1^c * z_j^c * r_2^c & \dots & \sum_{j=1}^{n} t_1^c * z_j^c * r_s^c \\ \sum_{j=1}^{n} t_2^c * z_j^c * r_1^c & \sum_{j=1}^{n} t_2^c * z_j^c * r_2^c & \dots & \sum_{j=1}^{n} t_2^c * z_j^c * r_s^c \\ \vdots & \vdots & \dots & \vdots \\ \sum_{j=1}^{n} t_x^c * z_j^c * r_1^c & \sum_{j=1}^{n} t_x^c * z_j^c * r_2^c & \dots & \sum_{j=1}^{n} t_x^c * z_j^c * r_s^c \end{pmatrix}$$

Таҳдидларнинг таъсир даражасини ҳисоблаш уларни камайтириш ёки бартараф этиш бўйича қарор қабул қилиш иконини беради.

Иккинчи параграфда сигнатурали таҳлил асосида ҳужумларни аниқлашнинг нейрон тармоқ усули ва алгоритми ишлаб чиқилган. Ушбу усул учта босқичда амалга оширилади:

биринчи босқичда тармоқ трафигини ушлаб олиш амалга оширилади. Таҳлилланувчи трафикни характерловчи тармоқ пакетлари сарлавҳалари ҳақидаги маълумотларни тўплаш учун махсус сниффер пакети TCP ва UDP протоколлари бўйича ўтадиган барча пакетларни ушлаб қолади;

иккинчи босқичда тармоқ фаоллигини характерловчи устуворлиги юқори бўлган параметрлар ажратиб олинади. Классификатор ёрдамида устуворлиги юқори бўлган параметрлар гуруҳларга таснифланади ва ҳужумларни аниқлаш жараёнида ҳар бир параметрни таҳлиллаш ўрнига устуворлиги юқори бўлган параметрларни таҳлиллаш аниқликни ошириш имконини беради;

учинчи босқичда ҳужумларни аниқлаш амалга оширилади. Бу босқичда пакет сарлавҳаларини оддий таққослашга асосланган ҳужумларни аниқлаш тизимларига нисбатан жорий тармоқ фаоллиги белгиларини қанчалик ўхшашлик даражасини аниқлаш имконияти самарали бўлган нейрон тармоқдан фойдаланилади.

Шундай қилиб, кириш йўли трафигини таҳлили асосида тузилган классификаторни кириш йўли параметрлари вектори ўз ичига қуйидаги ўзгарувчиларни олади:

A_1 – битта пакет келишининг ўртача вақти;

A_2 – турли ташқи IP-манзилли пакетлар фоизи;

A_3 – турли ташқи портли пакетлар фоизи;

A_4 – нотўғри сарлавҳали пакетлар фоизи.

Классификаторнинг чиқиш йўли қиймати “ҳужумда ишончлилик даражаси” ҳолатини аниқлаб берадиган B экспертлар томонидан амалга оширилади. Юқорида кўрсатилган тармоқ трафигини A_1, A_2, A_3, A_4 параметрлари ва ҳужумда ишончлилик даражаси B қуйидаги кўринишга эга:

- АГАР пакетларнинг_келиш_вақти = «кичик» ва турли_ташқи_IP_манзиллар_фоизи «кичик» ва

турли_портлар_фоизи = «кичик» бўлса, у ҳолда
ҳужумнинг_таъсир_даражаси = **«ўртача»**;

- АГАР (пакетларни_келиш_вақти = «кичик» ёки
пакетларни_келиш_вақти «ўртача») ва
(турли_ташқи_IP_манзиллар_фоизи «катта» ёки
турли_портлар_фоизи = «катта» ёки
нотўғри_сарлавҳали пакетлар_фоизи = «катта») бўлса, у ҳолда
ҳужумнинг_таъсир_даражаси = **«юқори»**;
- АГАР пакетларни_келиш_вақти «катта» бўлса, у ҳолда
ҳужумнинг_таъсир_даражаси = **«паст»**.

Шундай қилиб, корхона ахборот тизимига бўладиган тармоқ ҳужумлари таъсир даражасини (паст, ўрта, юқори) аниқлаш имконини беради.

Учинчи параграфда интерактив ва сеанс моделлар асосида тармоқ аномалияларини аниқлаш алгоритми ишлаб чиқилган. Аномалияларни аниқлашнинг интерактив ва сеанс моделларининг чиқиш қийматлари олинади: интерактив моделнинг чиқиш қиймати (Y_t), сеанс моделнинг чиқиш қиймати (Y'_t). Бу моделларнинг чиқиш йўли қийматлари аномалияларнинг бор ёки йўқлиги тўғрисидаги қарорларни қабул қилиш, овозларни ўлчаш йўли билан бирга аномалияларни тармоқ трафигида параллел таҳлилланади. Бирламчи ва иккиламчи хатоликни минималлаштириш, таснифлаш аниқлиги ва тўлиқлигини ошириш таклиф этилган.

№1. Алгоритмнинг бошланиши.

№2. Трафикни таҳлиллаш амалга оширилади.

№3-5. Трафикни аномалиялар борлиги бўйича таҳлиллайди ва ҳар бир модель чақируви сифатида амалга оширилади. Агар таснифлаш натижалари, (Y_t) алгоритми бўйича аномалия бўлса, унда y_t=+1. Акс ҳолда, y_t=-1. Натижада ҳар бир усул аномалиялар бор ёки йўқлигига овоз беради y_t=±1, y'_t =±1.

№6. Аномалияга яқин трафикни қидириш амалга оширилади.

№7. Ҳар бир модель чиқувчи қиймати учун таҳлилланган трафикда аномалиялар бор ёки йўқлиги тўғрисидаги умумий қарорни қабул қилишда овоз юкини ўрнатиш учун F-ўлчов асосидаги таснифлаш сифат кўрсаткичи ҳисобланади.

№8. Агар иккита моделнинг ҳам чиқиш йўли қийматлари аномалия йўқлигига овоз берса, унда овоз бериш талаб этилмайди ва таснифлаш натижалари тўғрисида ҳамкорликдаги бирламчи қарор қабул қилинади аномалия тармоқда мавжуд эмас (№9). Агар ҳеч бўлмаганда, битта моделнинг чиқиш қиймати аномалия борлигини аниқласа, ҳамкорликдаги қарор қабул қилишда овоз бериш талаб этилади ва №10 га ўтиш амалга оширилади.

№10. Аномалияларнинг бор ёки йўқлиги тўғрисидаги S овоз бериш амалиёти ишга туширилади.

№11-13. Агар S>0 бўлса, овоз бериш натижаси тармоқ аномалияси йўқ. Акс ҳолда, овоз бериш натижасида тармоқ аномалияси мавжуд бўлади.

№14-16. Агар алгоритм таҳлилидан ўтадиган пакет охирги бўлса, унда алгоритмнинг иши тугатилади. Акс ҳолда №8 га қайтарилади.

Диссертациянинг «**Кўпагентли интеллектуал усуллар асосида ахборотни ҳимоялаш тизимининг самарадорлигини баҳолаш ва амалиётга татбиқ этиш натижалари**» номли тўртинчи бобида ҳужумларни аниқлашнинг нейрон тармоқ усули ва алгоритмининг самарадорлиги баҳоланган ҳамда интерактив ва сеанс моделлардан фойдаланиб қурилган тармоқ аномалияларини аниқлаш алгоритмининг дастурий воситасини ишлаш принципи ва жорий этишдан олинган тажриба-ҳисоблаш натижалари келтирилган.

Биринчи параграфда ҳужумларни аниқлашда нейрон тармоқ усулининг самарадорлиги учта асосий кўрсаткич бўйича баҳоланган. Ҳужумларни аниқлашда нейрон тармоқ усули ҳужумларни таъсир даражаси бўйича аниқлашга ҳамда тизимнинг ёлғон ишга тушиш эҳтимолини камайтиришга ва ҳужумларни аниқлаш кўрсатгичларини оширишга имкон беради.

1-жадвал

Ҳужумларни аниқлашнинг нейрон тармоқ усулини тестлаш натижалари

Ҳужум синфи	Жами ҳужумлар сони	Аниқланган ҳужумлар %	Аниқланмаган ҳужумлар %	Тизимни ёлғон ишга тушишлари %
DoS	32678	95,1	4,1	0,8
U2R	68	94,3	5,2	0,5
R2L	1265	92,3	7,1	0,6
Probe	3233	91,1	8,2	0,7

Иккинчи параграфда тармоқ аномалияларини аниқлаш алгоритмининг самарадорлиги баҳоланган, аномалияларни аниқлашни унумдорлиги турлича бўлган процессор ва график процессорли компьютерларда ўтказилган тестлаш натижалари 2-жадвалда келтирилган.

2-жадвал

Аномалияларни аниқлашнинг унумдорлиги турлича бўлган процессор ва график процессорли компьютерларда ўтказилган тестлаш натижалари

Аномалияларни аниқлаш тизимлари (ААТ)	Intel core i3 3.3GHz, 4Gb тезкор хотира	Intel core i9 7900K, 32Gb тезкор хотира	Intel core i9 7900K, 32Gb тезкор хотира, GTX 1080 TI график процессор
MAS (ААТ)	0,4 с	30 мс	14 мс
NeuroDAT (ААТ)	2 с	57 мс	51 мс
Visor (ААТ)	1 с	55 мс	43 мс
Security Capsule (ААТ)	0,8 с	49 мс	21 мс
Suricata 5.0.3 (ААТ)	0,6 с	35 мс	15 мс

3-жадвал

Аномалияларни аниқлашда тизимнинг ёлғон ишга тушиш кўрсатгичлари

Аномалияларни аниқлаш тизимлари (ААТ)	Аномалиялар сони	Аниқлик %	Тизимнинг ёлғон ишга тушиш %
MAS (ААТ)	65	96,4	3,6
NeuroDAT (ААТ)	65	91,8	8,9
Visor (ААТ)	65	93,4	6,6
Security Capsule (ААТ)	65	94,6	5,4
Suricata 5.0.3 (ААТ)	65	95,2	4,8

Учинчи параграфда кўпагентли интеллектуал усуллар ёрдамида корхонадаги ахборотни ҳимоялаш тизимининг дастурий воситаси ва уни амалиётга татбиқ этиш натижалари келтирилган.

MAS тизими реал вақт маштабида (real-time packet analysis) тармоқ пакетларини таҳлиллаш технологияси бўйича қурилган бўлиб, тармоқнинг бутун сегментини (network-based) ҳимоялашга йўналтирилган ҳужумларни аниқлаш тизимидир.

Корхона ахборот тизимига бўладиган ҳужумларни аниқлаш дастурий воситаси Ўзбекистон Республикаси «Акциядорлик тижорат Халқ банки» бош амалиётлар бошқармасида, «UNICON.UZ» Давлат унитар корхонаси – Фан – техника ва маркетинг тадқиқотлари марказида ва Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Ахборот – коммуникация технологиялари ва алоқа ҳарбий институтида жорий этилган ва натижалар қуйида келтирилган:

Ўзбекистон Республикаси «Акциядорлик тижорат Халқ банки» бош амалиётлар бошқармасида барча тармоқ ҳужумлари 4 та гуруҳга ажратиб олинди. Булар: DoS ҳужум; U2R ҳужуми; R2L ҳужум; Probe ҳужуми. Ишлаб чиқилган дастурий таъминот нейрон тармоқ усулидан фойдаланганлиги сабабли, DoS ҳужумларни аниқлашда 94,7% аниқлик ва 5,3% хатолик, U2R ҳужумларни аниқлашда 91,4% аниқлик ва 8,6% хатолик, R2L ҳужумларни аниқлашда 93,6% аниқлик ва 6,4% хатолик, Probe ҳужумларини аниқлашда 95,8% аниқлик ва 4,2% хатолик билан тармоқ ҳужумларини аниқлаш имконини берган;

«UNICON.UZ» Давлат унитар корхонаси – Фан – техника ва маркетинг тадқиқотлари марказида ташкилотнинг локал тармоғига бўладиган ҳужумларни аниқлаш жараёнида пайдо бўлган хатоликларни аниқлаш мақсадида тажриба синовлари ўтказилди. Синовдан ўтиш жараёнида хатоликлар хақида тизим маъмурини огоҳлантириш функцияси мавжуд эканлиги аниқланди;

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Ахборот – коммуникация технологиялари ва алоқа ҳарбий институтида ташкилотнинг корпоратив

тармоғига бўлган ҳужумларни аниқлаш жараёнида, ҳужумларни 94,3% аниқлик ва 5,7% хатолик билан аниқлаш имконини берган.

Дастурий маҳсулотни ташкилотларда қўллаш натижасида олинган натижалар асосида айтиш мумкинки, битта ҳужумга тегишли бўлган сигнатуралар турли кўринишда бўлиши мумкинлигини ва ҳужум сигнатуралар сонининг кўплиги ҳужумни таниб олиш даражасининг ортишига олиб келади. Аномалияларни аниқлаш асосида янги турдаги ҳужумларни аниқлаш, корхонанинг корпоратив тармоғидаги ҳар бир фойдаланувчи ҳаракатларини алоҳида агентлар томонидан назоратга олишга ва бу фойдаланувчилар тўғрисидаги ҳисоботга эга бўлишга ҳамда тармоқ маъмурларининг баъзи вазифаларини автоматлаштиришга эришилди.

ХУЛОСА

«Корхонадаги ахборотни ҳимоялашнинг кўпагентли интеллектуал усулларини ишлаб чиқиш» мавзусидаги диссертация иши бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. Ахборот хавфсизлигини таъминлашда фойдаланиладиган гибрид тизимларни таҳлил қилиш асосида корхонадаги ахборотни ҳимоялашнинг кўпагентли интеллектуал тизимини қуриш концепцияси ишлаб чиқилди. Натижада концепцияда кўрсатилган принциплар асосида корхонадаги ахборотни ҳимоялашни бошқариш тизимининг мақсадлар дарахтини шакллантириш имконини берди.

2. Мақсадлар дарахти асосида корхонадаги ахборотни ҳимоялашни интеллектуал тизимининг архитектураси ишлаб чиқилди ва хавфсизлик маъмурига ўз кучларини режалаштиришни ташкиллаштиришга ва корхона ахборот активларини ҳимояланганлик ҳолатини назоратлаш имконини берди.

3. Ҳосил бўлиш частотаси асосида таҳдидларни таъсир даражасини аниқлаш усули ишлаб чиқилди. Натижада корхонадаги ахборотни ҳимоялаш воситаларини тезкор бошқаришда қарор қабул қилиш имконини берди.

4. Сигнатурали таҳлилга асосланган ҳужумларни аниқлашнинг нейрон тармоқ усули ва алгоритми ишлаб чиқилди. Натижада корхона ахборот тизимига бўладиган тармоқ ҳужумларининг таъсир даражаси (паст, ўрта, юқори) бўйича аниқлаш имконини берди.

5. Интерактив ва сеанс моделлар асосида тармоқ аномалияларини аниқлаш алгоритми ишлаб чиқилди. Натижада тармоқ аномалияларини аниқлашда тизимнинг ёлғон ишга тушиш қўрсаткичи 1,2 % пасайишига ҳамда тизим тезлигини 1 мс ортишига имкон берди.

6. Кўпагентли интеллектуал усуллар асосида ишлаб чиқилган ҳужумларни аниқлашнинг MAS дастури 95,8% аниқликни кўрсатди. Ҳужумларни аниқлашда бунданда яхшироқ самарадорлик кўрсатгичига эришиш учун ҳужум сигнатуралар базасини доимий равишда янгилаб бориш бўйича тавсиялар келтирилди.

Таклиф этилган кўпагентли интеллектуал усуллар асосида ишлаб чиқилган корхонадаги ахборотни ҳимоялаш тизими ахборотнинг бутун ҳаётий цикли давомида ишончли ҳимоясини таъминлаш имконини беради.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc. 13/30.12.2019.T.07.01
ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ УНИВЕРСИТЕТЕ ИНФОРМАЦИОННЫХ ТЕХНОЛОГИЙ**

ТАШКЕНТСКИЙ УНИВЕРСИТЕТ ИНФОРМАЦИОННЫХ ТЕХНОЛОГИЙ

БОТИРОВ ФАЙЗУЛЛАЖОН БАХТИЁРОВИЧ

РАЗРАБОТКА МНОГОАГЕНТНЫХ ИНТЕЛЛЕКТУАЛЬНЫХ МЕТОДОВ ЗАЩИТЫ ИНФОРМАЦИИ НА ПРЕДПРИЯТИИ

05.01.05 – Методы и системы защиты информации. Информационная безопасность.

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ
ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент-2021

Тема диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № B2020.4.PhD/T1941.

Диссертация выполнена в Ташкентском университете информационных технологий.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице научного совета (www.tuit.uz) и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziyonet.uz).

Научный руководитель:	**Бекмуратов Тулкун Файзиевич** академик, доктор технических наук, профессор
Официальные оппоненты:	**Каримов Маджит Маликович** доктор технических наук, профессор
	Жураев Гайрат Умарович доктор физико-математических наук, доцент
Ведущая организация:	**«UNICON.UZ» - центр научно-технических и маркетинговых исследований**

Защита диссертации состоится «6» февраля 2021 года в 10:00 часов на заседании Научного совета DSc. 13/30.12.2019.T.07.01 при Ташкентском университете информационных технологий. (Адрес: 100202, г. Ташкент, ул. Амира Темура, 108. Тел.: (99871) 238-64-43; факс: (99871) 238-65-52; e-mail: tuit@tuit.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского университета информационных технологий (регистрационный номер №263). (Адрес: 100202, г. Ташкент, ул. Амира Темура, 108. Тел.: (99871) 238-65-44).

Автореферат диссертации разослан «___» _____ 2021 года.
(протокол рассылки №__ от «___» _____ 2021 года.)

Р.Х. Хамдамов
Председатель научного совета по присуждению ученых степеней, д.т.н., профессор

Ф.М. Нуралиев
Ученый секретарь научного совета по присуждению ученых степеней, д.т.н., доцент

С.К. Ганиев
Председатель научного семинара при Научном совете по присуждению ученых степеней, д.т.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. При решении задач обнаружения и предотвращения атак на информационную систему предприятия с помощью многоагентных систем, основное внимание уделяется повышению точности процесса обнаружения атак и уменьшению количества ошибок. «По данным компании Kaspersky, в первом квартале 2020 года доля атак на государственные организации увеличилась, а атаки на такие объекты, как компьютеры, серверы и сетевые устройства составили 89% от общего числа всех атак»[1]. В зарубежных странах, в том числе в США, Российской Федерации, КНР, Южной Корее и др., проводятся работы, посвященные определению уровня воздействия информационных угроз на основе интеллектуальных методов, направленные на совершенствование моделей и алгоритмов обнаружения сетевых атак, а также на обнаружение сетевых атак с использованием многоагентных систем. В связи с этим, одной из важных задач является разработка методов обнаружения атак, в том числе на основе сигнатур и сравнения данных заголовков пакетов. Вместе с тем, необходимо развивать и направление использования многоагентных интеллектуальных систем для защиты информации в случае неполного знания рассматриваемого объекта в процессе защиты информации или неточностей в текущих данных.

В Узбекистане принимаются комплексные меры по совершенствованию механизмов защиты на основе интеллектуальных систем, используемых в процессе защиты информации в органах государственного и хозяйственного управления. В Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан на 2017-2021 годы определены задачи, в том числе «...обеспечение информационной безопасности и совершенствование системы защиты информации, своевременное и адекватное реагирование на угрозы в сфере информации»[2]. Одной из важных решений при реализации этих задач является использование многоагентных интеллектуальных методов при обнаружении атак на информацию, а также использование интеллектуальных систем в защите информации.

Данное диссертационное исследование в определенной степени послужит для реализации задач, обозначенных в Указах Президента Республики Узбекистан №УП-4947 от 7 февраля 2017 г. «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», №УП-5349 от 19 февраля 2018 г. «О мерах по дальнейшему совершенствованию сферы информационных технологий и коммуникаций», в Постановлениях №ПП-4024 от 21 ноября 2018 года «О мерах по совершенствованию системы контроля за внедрением информационных технологий и коммуникаций, организации их защиты» и №ПП-4452 от 14 сентября 2019 года «О дополнительных мерах по совершенствованию системы контроля за внедрением информационных технологий и коммуникаций, организации их

[1] https://www.ptsecurity.com/ru-ru/research/analytics/cybersecurity-threatscape-2020-q1/

[2] Указ Президента Республики Узбекистан №УП-4947 от 7 февраля 2017 г. «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан».

защиты», а также в других нормативно-правовых документах, связанных с этой деятельностью.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий Республики IV. «Информатизация и развитие информационно-коммуникационных технологий».

